

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02. 2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭЛМУРАДОВ ШЕРЗОД ХАБИБОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИНИНГ
АСОРАТЛАНГАН ЭХИНОКОККОЗИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Элмуратов Шерзод Хабибович

Болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококкозини
ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш..... 3

Элмуратов Шерзод Хабибович

Совершенствование диагностики и лечения при осложненном
эхинококкозе органов брюшной полости у детей..... 29

Elmuradov Sherzod Khabibovich

Improvement of diagnosis and treatment in complicated echinococcosis of
abdominal organs in children..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02. 2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭЛМУРАДОВ ШЕРЗОД ХАБИБОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИНИНГ
АСОРАТЛАНГАН ЭХИНОКОККОЗИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Tib3084 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тили (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдусаматов Бобир Закирович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Юсуф Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожик давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли кенгашнинг 2025 йил «27» 05 соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел/факс: (+998 55) 503-03-66, e-mail: ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109 Тошкент, Яшнабод тумани, Паркент кўчаси, 294-уй. Тел/факс: (+99895) (+998 55) 503-03-66.

Диссертация автореферати 2025 йил «14» 05 куни таркатилди.

(2025 йил «14» 05 даги 8 рақамли реестр баённомаси)



А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.С. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.Ш. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жигар эхинококкози - паразитар касалликнинг жиддийлиги ва кенг тарқалганлиги билан боғлиқ бўлиб, у жамоат саломатлиги кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...эхинококкозни жарроҳлик йўли билан даволашдан кейинги ўлим ҳолатлари 2,2%, касаллик қайталаниши эса 6,5% ҳолларда кузатилиб узок муддатли реабилитацияни талаб қилади ва соғлиқни сақлаш тизимига юклама ошишига сабаб бўлади. Ҳар йили кистоз эхинококкоз бир миллионгача DALY (ногиронликка мослаштирилган ҳаёт йили, уни «соғлом» ҳаёт йили эквиваленти сифатида қараш мумкин) ...»¹ саломатлик ҳолатида хавф келтирувчи даврга тенгдир. Дунёда йилига эхинококкозни даволаш мақсадида тахминан бир миллион жарроҳлик амалиётининг 25% гача бўлган қисмини болалар ташкил этади. Бундай ҳолат нафақат эндемик ҳудудларда касалликнинг барқарор тарқалиши, балки миграция жараёнларининг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, бу касаллик географиясининг кенгайишига олиб келади. Жаҳонда жарроҳликдан кейинги махсус асоратлар тез-тез учраб, уларнинг сони 6–80%, ўлим ҳолати 3,1–8,6%, қайталаниш ёки қолдиқ шакллари 3–54% беморларда қайд этилган. Бундай ҳолат болаларда кам инвазив эндовизуал эхинококкэктомия усулларининг чекланган қўлланиши билан боғлиқ бўлиб, бу эндоскопик кириш технологияларининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳланади. Юқоридагиларни инобатга олган тартибда болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококкози (ҚБААЭ)ни ташхислаш ва самарали жарроҳлик амалиётини амалга ошириш клиник тиббиётнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болаларда ҚБААЭни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш борасида катор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада анамнез маълумотларининг диагностик аҳамияти, болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг эхинококк касаллиги бўйича анъанавий жарроҳлик муолажаларининг асоратлари ва қониқарсиз натижалари сабабларини таҳлил қилиш, болаларда асоратланган эхинококк кистасининг бактериологик ва цитологик хусусиятлари, дифференциал-ташхисот алгоритм асосида жарроҳлик амалиётига кўрсатмалар, унинг ҳажми ва мақбул жарроҳлик кириши усулини танлаш, ҚБААЭ касаллигида жарроҳлик муолажасининг тактик алгоритмини ишлаб чиқиш, лапароскопик эхинококкэктомия (ЛЭЭ) амалиётини ўтказиш учун кўрсатмаларни, ҳамда анъанавий ва ЛЭЭ усулларининг болаларда жигар ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларини зарарловчи асоратланган эхинококк касаллигидаги натижаларини солиштириш ва таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли

¹ ЖССТнинг (ВОЗ) ахборот бюллетени №377, март 2015 й.

соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларда ҚБААЭни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 29 июлдаги ПФ-5199-сон – «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда болаларда кам инвазив эхинококкэктомия (ЭЭ) усуллари тадқиқотчиларнинг тобора катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бироқ, илмий ишларнинг аксарияти эхинококкозни катталарда ўрганишга бағишланган (Накверди S., 2008; Bristow B.N., 2012). Жаҳонда келтирилган илмий нашрларда келтирилган маълумотларга кўра, жигар эхинококкози (ЖЭ) билан болаларнинг атиги 20–40%и кам инвазив технологиялар, хусусан, лапароскопия ёрдамида жарроҳлик операциясини ўтказиши мумкин. Бунда ҳам фақат қатъий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳоллардагина бундай усул қўлланилади (Коеа J. B., 2012; Polat F. R., 2012). Асосий муаммо болаларда эндовизуал ЭЭ учун чекланган кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлиб, бу эндоскопик кириш усуллариининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳланади. Бу ҳолат очик жарроҳлик амалиётига ўтиш (конверсия) эҳтимолини оширади, шунингдек, қорин бўшлиғи ва ўпка эхинококк кисталарини жарроҳлик йўли билан даволашда интраоперацион асоратлар хавфини ошириши қайд

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

қилинган, (А.А. Гумеров, Р.Х. Шангареева, 2010; 2013) келтирилган маълумотларига кўра, лапароскопик жарроҳлик учун мутлақ қарши кўрсатмалар қуйидагиларни ўз ичига олади: кисталарнинг диафрагма остида жойлашганлиги (жигарнинг VII–VIII сегментлари); асоратланган ва кўп сонли (иккитадан ортиқ) кисталарнинг мавжудлиги; катта ўлчамдаги кисталар (диаметри 7–10 см ва ундан катта). Бу ҳолатда анъанавий очик жарроҳлик операциясини ўтказиш зарурияти юзага келади. Бундан ташқари, жигар ва ўпканинг бир вақтнинг ўзида зарарланиши ҳолатида торакокопик ва лапароскопик операцияларни биргаликда ўтказиш мақсадга мувофиқми ёки йўқ — бу ҳали ҳам баҳсли масала бўлиб қолмоқда. З.Х. Шангареева (2013) маълумотларига кўра, эндовизуал ЭЭдан кейин болаларда эрта қайталанишлар тез-тез қайд қилиниб, уларнинг учраш эҳтимоли 6,2% ни ташкил этади.

Ўзбекистонда эхинококкозни эрта ташхислаш ва эндовизуал даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш, болаларда ЖЭни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашда кам инвазив технологияларни янада такомиллаштириш борасида қатор тадқиқотлар бажарилган (Каримов Ш. И., 2008; Назиров Ф. Г., 1999, 2016; Ильхамов Ф. А., 2005), бироқ, болаларда ҚБААЭни ташхислаш ва даволаш такомиллаштирилмаган.

Адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, ЖЭни ташхислаш ва даволаш, айниқса, қорин бўшлиғининг бошқа аъзолари билан бирга зарарланиши ҳолатида, янада ривожлантиришга муҳтож. Болаларда эндовизуал жарроҳлик усулларини қўллаш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни, шунингдек, кам инвазив жарроҳлик имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берадиган янги технологик ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича тизимли методологик ишлар олиб бориш зарур. Эндовизуал усулларнинг такомиллаштирилиши операцияларнинг инвазивлигини пасайтириш, жарроҳликдан кейинги асоратлар хавфини камайтириш ва эхинококкоз билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012300282 «Жигар эхинококкози касалликларини ташхислаш ва прогнозлашда инновацион технологияларни қўллаш, ҳамда даволаш усулларини оптималлаштириш» (2023-2027 йй.) мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда лапароскопик эхинококкэктомияни жорий этиш орқали қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококкози касаллигини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анамнез маълумотларининг диагностик аҳамияти, болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг эхинококк касаллиги бўйича анъанавий жарроҳлик

муолажаларининг асоратлари ва қониқарсиз натижалари сабабларини таҳлил қилиш;

болаларда асоратланган эхинококк кистасининг бактериологик ва цитологик хусусиятларини баҳолаш;

дифференциал-ташхисот алгоритм асосида жарроҳлик амалиётига кўрсатмалар, унинг ҳажми ва мақбул жарроҳлик кириши усулини танлаш;

қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококкози касаллигида жарроҳлик муолажасининг тактик алгоритмини ишлаб чиқиш, лапароскопик эхинококкэктомия амалиётини ўтказиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни белгилаш;

анъанавий ва лапароскопик эхинококкэктомия усулларининг болаларда жигар ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларини зарарловчи асоратланган эхинококк касаллигидаги натижаларини солиштириш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1996–2024 йиллар давомида Республика болалар кам инвазив ва эндоскопик хирургия илмий-амалий марказида жигар ва қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококкози бўйича стационар шароитида даволанган 109 нафар беморлардан асосий гуруҳни 72 нафар ва назорат гуруҳини 37 нафар 3-18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети болаларда ҚБААЭни ташхислаш ва даволашда ЖЭнинг асоратланган шаклларида анъанавий ва ЛЭЭнинг эрта ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш ва солиштириш, ҳамда жигар ва қорин бўшлиғи аъзоларининг бир вақтда зарарланиш ҳолатларида жарроҳлик даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда болаларда ҚБААЭ ташхислаш ва даволашда анамнестик, клиник, лаборатор, биокимёвий, инструментал ва статистик таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

анъанавий операция аралашувларининг дастлабки ва узоқ муддатли натижаларини таҳлилида уларнинг етарли даражада самарали эмаслигини белгиловчи омилларни ўрни, ҳамда уларни яхшилаш бўйича тадбирлар тактикаси ишлаб чиқилган;

жигарнинг асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиши натижасида кисталарнинг йиринглаши, уларнинг ўт йўллариغا очилиши ва қорин бўшлиғига ёрилишида ЛЭЭни бажариш учун комплекс ёндашув ишлаб чиқилган;

жигар асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиш шаклларида ЛЭЭга кўрсатмаларни кенгайтириш мезонлари асосида анъанавий очик операциялар заруратини камайтириш имкони исботланган;

болаларда жигар асоратланган эхинококкозини минимал инвазив жарроҳлик усули билан даволаш алгоритми асосида кисталарнинг ҳажми, сони ва босқичидан қатъи назар жарроҳлик муолажаларининг самарадорлигини ошириш тартиби исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ҚБААЭ касаллиги билан хасталанган болаларни даволаш, профилактика қилиш ва реабилитация усуллари такомиллаштирилган;

эхинококк кисталарининг жойлашуви, ўлчами ва сонига қараб жарроҳлик аралашуви усулини танлаш бўйича дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган;

операция тактикаси учун оптимал параметрлар, беморнинг ҳолати ва портларни киритиш нуқталари, бу эса жарроҳлик майдонининг яхшироқ кўриниши, паразитар элементларнинг тарқалиш хавфини камайтириш ва операциянинг травматик даражасини минималлаштириш имконини берган;

болаларда ҚБААЭ касаллигида кам инвазив жарроҳлик усулини ташхислаш ва даволаш бўйича такомиллаштирилган алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи анамнестик, клиник, лаборатор, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, болаларда ҚБААЭни ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асоратланган қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиши ҳолатида ташхислаш ва даволаш тактикалари алгоритмини такомиллаштириш, хасталикни эрта ташхислаш жараёни тезлаштириш ва болаларда жарроҳлик муолажаларининг самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини яратиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асоратланган ЖЭ бўйича эндовизуал радикал жарроҳлик аралашувларини адьювант кимётерапия билан бирлаштиришда беморнинг операцияни кўтара олиш башоратлаш мезонлари ишлаб чиқиш, ортиқча лапаротомияларнинг олдини олиш, нохуш асорат, ўлим хавфини пасайтириш, тиббий-ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва болаларда асоратланган ЖЭни даволашда янгича тактик ва техник ечимларни қўллаш орқали стационарда даволаниш муддатларини қисқартириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда ҚБААЭни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш тартиби баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгиллик: анъанавий операция аралашувларининг дастлабки ва узоқ муддатли натижаларини таҳлилида уларнинг етарли даражада самарали эмаслигини белгиловчи омилларни ўрни ҳамда уларни яхшилаш бўйича тадбирлар тактикаси ишлаб чиқилганлиги Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил

25 мартдаги 03/24/266-t-сон билан тасдиқланган «Современные методы диагностики и лечения осложненной эхинококковой болезни органов брюшной полости у детей», ҳамда «Современные методы диагностики и лечения эхинококкоза легких у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 31§1-сон, Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 01.05.2024 йилдаги 57-сон, Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 03.04.2024 йилдаги 60-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* анъанавий операция аралашувларининг дастлабки ва узоқ муддатли натижаларини таҳлилида уларнинг етарли даражада самарали эмаслигини белгиловчи омилларни ўрни ҳамда уларни яхшилаш бўйича тадбирлар тактикаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар сонини камайтириш ва беморнинг стационарда қолиш муддатини қисқартириш, ногиронлик даражасини камайтириш, касалликнинг башоратлашни яхшилаш ва операция амалга оширилган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун анъанавий ташхислаш ва даволаш усулларида ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ва сарф харажатлар 19645254 сўмни, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартириш орқали сарф харажатлар 15677492 сўмни ташкил қилган *Хулоса:* асоратланган эхинококкоз билан даволанган бир нафар бемор таҳлил қилинганда, анъанавий ташхис ва даволаш усулларида ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ташкил этган бўлса, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартирилган ва давлат бюджетидан болалар учун сарфланадиган харажатлар эса 3967762 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: жигарнинг асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиши натижасида кисталарнинг йиринглаши, уларнинг ўт йўллариغا очилиши ва қорин бўшлиғига ёрилишида ЛЭЭни бажариш учун комплекс ёндашув ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартдаги 03/24/266-t-сон билан тасдиқланган «Современные методы диагностики и лечения осложненной эхинококковой болезни органов брюшной полости у детей», ҳамда «Современные методы диагностики и лечения эхинококкоза легких у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 31§1-сон, Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 01.05.2024 йилдаги 57-сон, Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 03.04.2024 йилдаги 60-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий

техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* жигарнинг асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиши натижасида кисталарнинг йиринглаши, уларнинг ўт йўллариغا очилиши ва қорин бўшлиғига ёрилишида ЛЭЭни бажариш учун комплекс ёндашув ишлаб чиқиш натижасида болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, қайталанишларни олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* жигарнинг асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиши натижасида кисталарнинг йиринглаши, уларнинг ўт йўллариغا очилиши ва қорин бўшлиғига ёрилишида ЛЭЭни бажариш учун комплекс ёндашув ишлаб чиқиш орқали ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ва сарф харажатлар 19645254 сўмни, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартириш орқали сарф харажатлар 15677492 сўмни ташкил қилган ва даволаниш учун давлат бюджетидан болалар учун сарфланадиган харажатлардан эса 3967762 сўмни иқтисод қилинади. *Хулоса:* асоратланган эхинококкоз билан даволанган бир нафар бемор таҳлил қилинганда, анъанавий ташхис ва даволаш усулларида ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ташкил этган бўлса, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартирилган ва давлат бюджетидан болалар учун сарфланадиган харажатлар эса 3967762 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: жигар асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиш шаклларида ЛЭЭга кўрсатмаларни кенгайтириш мезонлари асосида анъанавий очик операциялар заруратини камайтириш имкони исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартдаги 03/24/266-t-сон билан тасдиқланган «Современные методы диагностики и лечения осложненной эхинококковой болезни органов брюшной полости у детей», ҳамда «Современные методы диагностики и лечения эхинококкоза легких у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 31§1-сон, Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 01.05.2024 йилдаги 57-сон, Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 03.04.2024 йилдаги 60-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* илк бора жигар асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиш шаклларида ЛЭЭга кўрсатмаларни кенгайтириш мезонлари асосида анъанавий очик операциялар заруратини камайтириш орқали юзага келадиган қайталанишлар, асоратларни олдини олиш орқали касалликларни камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, эхинококкоз касаллигини эрта ташхислаш ва олдини олиш

имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* жигар асоратланган эхинококкози ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзоларининг биргаликда зарарланиш шаклларида ЛЭЭга кўрсатмаларни кенгайтириш мезонлари асосида анъанавий очик операциялар заруратини камайтириш имкони исботлаш орқали эхинококкоз билан даволанган бир нафар бемор таҳлил қилинганда, анъанавий ташхис ва даволаш усулларида ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ташкил этган бўлса, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартирилган ва давлат бюджетидан болалар учун сарфланадиган харажатлар эса 3967762 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* асоратланган эхинококкоз билан даволанган бир нафар бемор таҳлил қилинганда, анъанавий ташхис ва даволаш усулларида ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ташкил этган бўлса, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартирилган ва давлат бюджетидан болалар учун сарфланадиган харажатлар эса 3967762 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: болаларда жигар асоратланган эхинококкозини минимал инвазив жарроҳлик усули билан даволаш алгоритми асосида кисталарнинг ҳажми, сони ва босқичидан қатъи назар жарроҳлик муолажаларининг самарадорлигини ошириш тартиби исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 мартдаги 03/24/266-t-сон билан тасдиқланган «Современные методы диагностики и лечения осложненной эхинококковой болезни органов брюшной полости у детей», ҳамда «Современные методы диагностики и лечения эхинококкоза легких у детей» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 08.04.2024 йилдаги 31§1-сон, Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 01.05.2024 йилдаги 57-сон, Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 03.04.2024 йилдаги 60-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда жигар асоратланган эхинококкозини минимал инвазив жарроҳлик усули билан даволаш алгоритми асосида кисталарнинг ҳажми, сони ва босқичидан қатъий назар жарроҳлик муолажаларининг самарадорлигини ошириш тартиби исботлаш, бемор болалар ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронликни эрта олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда жигар асоратланган эхинококкозини минимал инвазив жарроҳлик усули билан даволаш алгоритми асосида кисталарнинг ҳажми, сони ва босқичидан қатъий назар жарроҳлик муолажаларининг самарадорлигини ошириш тартиби орқали ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ва сарф харажатлар 19645254 сўмни, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартириш орқали сарф харажатлар 15677492 сўмни ташкил қилган ва даволаниш учун давлат бюджетидан болалар учун сарфланадиган

харажатлардан эса 3967762 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* асоратланган эхинококкоз билан даволанган бир нафар бемор таҳлил қилинганда, анъанавий ташхис ва даволаш усулларида ўртача стационар даволаниш муддати $14,9 \pm 1,2$ кунни ташкил этган бўлса, тақдим этилган янги усул орқали бу муддат $10,4 \pm 1,1$ кунгача қисқартирилган ва давлат бюджетидан болалар учун сарфланадиган харажатлар эса 3967762 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, мақсад ва вазифалар белгилаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илму-фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробация ва иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалар қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококк касаллигини ташхислаш ва даволаш муаммолари ҳамда замонавий ютуқлари»** деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, болалар қорин бўшлиғи аъзолари эндовизуал ЭЭсини ташхислаш муаммоларининг замонавий ҳолати тақдим этилган, бугунги кунда мавжуд оператив ЭЭ усуллари ёритилган, муаллифлар илмий ишларида кўрсатилишича, болаларда ЛЭЭга мутлоқ кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни кўриб чиққан, ҳамда кутилиши мумкин бўлган иккиламчи асоратлар, жарроҳлик амалиётидан кейинги яқин ва узок даврларда касаллик қайталаниши таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококкозини ташхислаш ва даволаш тартибини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 1996-2024 йиллар давомида ҚБААЭ касаллиги бўйича жарроҳлик даволанган 109 нафар беморнинг маълумотларини қамраб олган клиник таҳлил берилган. Жарроҳлик даволашнинг турли усуллари самарадорлигини объектив

баҳолаш учун беморлар икки гуруҳга бўлинди: назорат гуруҳи (анъанавий даволанган гуруҳ) 1996-2006 йилларида анъанавий «очик» ЭЭ бажарилган 37 (33,9%) нафар бемор ва 2007-2024 йилларда кам инвазив эндовизуал усуллар устунлигида даволанган – 72 (66,1%) нафар асосий гуруҳ беморлари киритилган.

ЖЭнинг асорати етарлича кўп учраган ва бир қатор ҳолатларда жарроҳлик аралашувларини талаб қилган. Энг кўп тарқалган асорат эхинококк кистасининг йиринглаши бўлиб, 67 (61,5%) нафар беморда ташхисланган. Эхинококк кистаси (ЭК)нинг ўт йўллариға ёрилиши 21 (19,2%) ҳолатда, эркин қорин бўшлиғида ёрилиши 16 (14,7%) нафар беморда қайд этилган. ЭК фиброз капсуласи кальцификацияси 5 (4,6%) ҳолатда аниқланган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Жигар эхинококкозининг асоратлари бўйича беморлар тақсимотининг натижалари

Асорат турлари	Назорат гуруҳи (n=37)		Асосий гуруҳ (n=72)		Жами (n=109)		χ^2	P
	абс.	%	абс.	%	абс.	%		
ЭКнинг йиринглаши	21	19,3	46	42,2	67	61,5	0,52	>0,05
ЭКнинг ўт йўллариға очилиши	8	7,3	13	11,9	21	19,2	0,20	>0,05
ЭКнинг қорин бўшлиғиға ёрилиши	5	4,6	11	10,1	16	14,7	0,06	>0,05
Фиброз капсуланинг кальцификацияси	3	2,7	2	1,9	5	4,6	1,6	>0,05
Жами	37	33,9	72	66,1	109	100	22,5	<0,01

Энг кўп ҳолатда шифохонага жигарнинг изоляцияланган шикастланиши билан 80 (73,4%) нафар болалар келган. Жигар ва қорин бўшлиғининг бошқа аъзолари (ҚББА) (талок, тухумдон, катта чарви) билан уйғунлашиб учраши кам – 19 (17,4%) ҳолатда кузатилди. Жигарнинг кўпламчи кисталар билан шикастланиши 29 (26,6%) нафар беморда аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Жигар эхинококкозида зарарланиш локализациясига кўра беморларнинг тақсимоти

Шикастланган соҳалар	Беморларнинг тақсимоти				Жами		χ^2	P
	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ		абс.	%		
	абс.	%	абс.	%				
Чегараланган ЖЭ	25	22,9	55	50,5	80	73,4	0,97	>0,05
Жигарнинг кўп сонли зарарланиши	12	11	17	15,6	29	26,6	0,97	>0,05
Жами	37	33,9	72	66,1	109	100	22,5	<0,01
Жигар ва ҚББАнинг бир вақтда эхинококкоз билан зарарланиши								
Жигар ва қорин бўшлиғи бошқа аъзоларининг эхинококкози	8	7,3	11	10,1	19	17,4	0,68	>0,05

3-жадвалда жигарда эхинококк кистаси миқдорига боғлиқликда беморлар тақсимоти берилган.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, солитар (якка) кисталар аксарият ҳолатларда назорат гуруҳида 37 нафар беморнинг 25 (67,5%) нафарида, асосий гуруҳда 72 нафар беморнинг 55 (76,4%) нафарида қайд қилинган.

3-жадвал

Жигар эхинококк кисталарининг сонига кўра беморларнинг тақсимоти

Киста сони	Назорат гуруҳи (n=37)		Асосий гуруҳ (n=72)		χ^2	P
	абс.	%	абс.	%		
1 та киста	25	67,5	55	76,4	0,36	>0,05
2 та киста	5	13,5	7	9,7	0,54	>0,05
3-4 та киста	4	10,8	6	8,3	0,18	>0,05
5 ва ундан кўп	3	8,2	4	5,6	0,26	>0,05
Жами	37	100	72	100	-	-

Тадқиқотдан олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакет ёрдамида персонал Pentium-IV компютерида статистик қайта ишланди, статистик қайта ишлашнинг тузилишли функциясини ҳам ўз ичига олди.

Диссертациянинг «**Болалар қорин бўшлиғи ва жигарининг анъанавий эхинококкэктомия натижалари таҳлили**» деб номланган учинчи бобида 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда асоратланган эхинококк касаллиги ва қорин бўшлиғи аъзолари билан жигар шикастланишининг анъанавий ЭЭ натижалари таҳлил қилинган.

Жигарнинг асоратланган эхинококк кистаси 37 нафар беморда ташхисланган. Жумладан, 21 (56,8%) нафар беморда киста йиринглаши, 5 (13,5%) нафар беморда ЭКни қорин бўшлиғига ёрилишиши ва перитонит асорати ривожланиши, 8 (21,6%) нафар беморда ЭКнинг ўт йўлларига ёрилиши, 3 (8,1%) нафар беморда эса фиброз капсула кальцификацияси кузатилган. Қорин бўшлиғи аъзоларида эхинококкнинг қайталаниши 6 нафар (16,2%) беморда, резидуал киста эса 2 (5,4%) нафар беморда аниқланган ва уни бир вақтда олиб ташлаш олдиндан айтиб бўлмайдиган асорат ва шикастланишнинг юқори хавфини туғдиради.

Назорат гуруҳида жами 93 та жигар эхинококк ва қорин бўшлиғи кистаси аниқланган. Жигар ЭЭсидан сўнг қолдиқ бўшлиқни ишлов учун куйидаги усуллардан фойдаланилган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Эхинококкэктомияда қолдиқ бўшлиқни ишлов бериш усули бўйича беморлар тақсимооти

Қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш усули	Абс.	%
Эхинококкэктомия, абдоминализация ва қолдиқ бўшлиқни дренажлаш	9	9,7
Эхинококкэктомия, қолдиқ бўшлиқни абдоминализация қилиш	7	7,5
Эхинококкэктомия, қолдиқ бўшлиқни дренажлаш	14	15,1
Эхинококкэктомия, қолдиқ бўшлиқни қисман тикиш дренажда колдириб	16	17,2
Эхинококкэктомия, қолдиқ бўшлиқни тўлиқ тикиш	38	40,8
Идеал эхинококкэктомия	9	9,7
Жами	93	100

Жарроҳлик амалиётидан кейинги жароҳатнинг йиринглаб иккиламчи битиш 3(8,1%) нафар беморда, қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши 5(13,5%) нафар, қолдиқ бўшлиқдан ўтли сафро оқиши 8(21,6%) нафар беморда кузатилди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда энг оғир асорат перитонит ривожланиши 1(2,7%) ҳолатда келиб чиқди. Шундай қилиб, жигарнинг анъанавий ЭЭси жарроҳлик амалиётидан кейин эрта ва узоқлашган даврда умумий асорат миқдори 17 ҳолатда (45,9%) аниқланди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Анъанавий жигар эхинококкэктомиясини ўтказган назорат гуруҳидаги беморларда эрта операциядан кейинги асоратлар турлари (n=37)

Асоратлар характери	Беморлар сони (%)	
	абс.	%
Ўт йўлидан суюқлик ажралиши – ўт-оқмалари	8	21,6
Қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши	5	13,5
Операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши	3	8,1
Перитонит – релапаротомия	1	2,7
Жами	17	45,9

Асоратланган ЖЭ ва унинг қорин бўшлиғи аъзолари билан бирга зарарланиши бўлган болаларда жарроҳлик амалиёти натижаларининг қиёсий таҳлили ташхислаш ва даволаш тактикасини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Шунингдек, замонавий эндовизуал эхинококкэктомия усуллари қўллаш муҳимлиги таъкидланди.

Диссертациянинг «Болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг асоратланган эхинококк касаллигида лапароскопик эхинококкэктомия натижалари» деб номланган тўртинчи бобда 2007-2024 йиллар мобайнида асосий гуруҳ 72 нафар беморнинг асоратланган қорин бўшлиғи аъзолари ЭКда бажарилган ЭЭ натижалари таҳлили берилган.

ЭК йиринглаш асоратланиши 46 (63,9%) нафар беморда қайд қилиниб, 11 (15,3%) нафарида ЭК қорин бўшлиғига ёрилиши ва перитонит ривожланиши, 13 (18,1%) нафар беморда ЭКнинг ўт йўлларида ёрилган, 2 (2,8) нафар беморда фиброз капсула кальцификацияси кузатилган. Қорин бўшлиғи эхинококкози қайталаниши 8 (11,1%), резидуал ҳолат 2 (2,8%) болада ташхисланган.

6 (8,3%) ҳолатда лапароскопик аралашувга мутлоқ қарши кўрсатма бўлганлиги сабабли анъанавий жигар ЭЭ амалиёти ўтказилди. Ушбу беморларда мутлақ қарши кўрсатмалар қуйидагилардан иборат эди: 3 ҳолатда – катта рецидивли ЭКлари туфайли қорин бўшлиғидаги кучли чандиқли жараён; 3 та ҳолатда – VII-VIII жигар сегментларидаги улкан йиринглаган ЭК ва бошқа сегментларда жигар ичида жойлашган кисталар аниқланган.

15 (20,8%) ҳолатда диагностик лапароскопия (ДЛ) бир қатор сабабларга кўра, конверсия билан тугалланган, улар мутлоқ қарши кўрсатма сингари тоифаланади. Ушбу ҳолларда лапаротомияга ўтилган (ДЛ – конверсия) ва анъанавий ЭЭ бажарилган: 3 та (4,2%) ҳолатда – қорин бўшлиғида тарқалган чандиқли жараён ва жигарнинг 6-7 сегментларидаги йирик ЭКсининг ёрилиши натижасида перитонит ривожланган; 7 (9,7%) ҳолатда – рецидивли эхинококк аниқланган, ушбу беморлар аввал эхинококк касаллиги бўйича жарроҳлик амалиётидан ўтган (улардан 3 нафари икки марта жарроҳлик амалиёти ўтказган), қорин бўшлиғида тарқалган чандиқли жараён кузатилган; 1 (1,4%) ҳолатда – ЭКси жигар ичида жойлашган; 4 (5,6%) ҳолатда – жигарнинг икки бўлагиде жойлашган кўп сонли ЭКлари (9 та ЭК) аниқланган. Жами 2-гуруҳдаги беморларда мутлоқ қарши кўрсатмалар билан (ўз маълумотларимизга асосан ДЛдан кейин 15 (20,8%) + 6 (8,3%) ҳолатларда), 21 та (29,1%) анъанавий жигар ЭЭ амалга оширилган (6-жадвалга қаранг).

Асоратланган қорин бўшлиғи эхинококк касаллиги ҳолатларида ЭКлари кўпинча диафрагма ости сегментларда, шунингдек, VII-VIII сегментларнинг бошқа сегментлар билан бирга зарарланиши 47,6% (21 та ҳолатдан 10 таси) ни ташкил этган.

Асосий гуруҳда диафрагма ости локализацияланган ЭК (VII-VIII сегментлар) 41 (56,9%) беморда аниқланган. Уларнинг 22 нафарида (30,6%) солитар кисталар бўлган. Қолган 19 (26,4%) ҳолатда (кўп сонли эхинококкоз) ЭК VII-VIII сегментларда ва жигарнинг бошқа сегментларида жойлашган.

Адабиёт маълумотларига кўра, болаларда ЛЭЭ мутлақ қарши кўрсатмалар қуйидагилар ҳисобланади: диаметри 8-10 смдан катта кисталар (адабиёт маълумотларига кўра, жигар ЭКларининг диаметри 8-10 смдан катта бўлса); жигар ичида жойлашган кисталар; VII-VIII сегментларда жойлашган ЭКлари; рецидив эхинококкоз; эхинококкознинг иккинчи (ўлик паразит – она гидатида) ва учинчи (асоратланган эхинококкоз) даврлари.

Биз олиб борган тадқиқотларда ЛЭЭга мутлақ қарши кўрсатмаларнинг аксарияти асосли равишда «нисбий» деб баҳоланди, бу эса болаларда ЛЭЭга умумий кўрсатмаларни кенгайтириш имконини берди.

6-жадвал

Асосий гуруҳ беморларида қорин бўшлиғи абзоларининг лапароскопик эхинококкэктомиясига мутлақ қарши кўрсатмалар ва уларнинг сегментар тарқалиши (n=21)

Асоратланган жигар эхинококк кистаси	ЭК сегментар локализацияси														Жами	
	7-8 сег		7-8 ва бошқ.		χ^2	Р	Бошқа сегментлар		χ^2	Р	χ^2	Р	Жами			
	абс.	%	абс.	%			абс.	%					абс.	%		
Йиринглаган эхинококк кистаси	1	4,8	1	4,8	0	>0,05	1	4,8	0	>0,05	0	>0,05	3	14,3		
Қайталанган жигар эхинококк кистаси	2	9,5	1	4,8	0,36	>0,05	7	33,3	3,5	<0,05	5,6	<0,05	10	47,6		
асорати—чандикли жараён																
ЭЖни ёрилиши	1	4,8	1	4,8	0	>0,05	1	4,8	0	>0,05	0	>0,05	3	14,3		
Жигар ичида жойлашган эхинококк кистаси	-	-	-	-	-	-	2	9,5	-	-	-	-	2	9,5		
Кўп сонли эхинококк кистаси	-	-	3	14,3	-	-	-	-	-	-	-	-	3	14,3		
Жами	4	19,1	6	28,7	0,53	>0,05	11	52,4	5,1	<0,05	2,5	>0,05	21	100		

Йиринглаган ЭК жарроҳлик амалиётида бемор жарроҳлик амалиёти столига осмонга қараб ётқизилади. Киндик тепасидан ярим ой шаклида кесилиб видеооптика учун биринчи троакар 11 мм параумбикал қорин бўшлиғига кириталади. Биринчи троакар киритилганидан кейин қорин ичи босими 12-14 мм симоб устунида пневмоперитнеум ҳосил қилинади. Сўнгра қорин бўшлиғи умумий лапароскопик кўрик ўтказилади, унда ЭК топографик жойлашиши ва тарқалганлиги аниқланади. Қорин бўшлиғига кўшимча битта 11 мм троакар ва ЭКнинг топографик жойлашувига қараб қулай иккита 5 мм троакар (пункцион игналар, ишчи инструментлар, қисқич, қайчи, электр тортувчи найча, эндоконтейнер ва бошқалар учун) киритилади. ЭК пункцияси жигар эхинококки ва бошқа қорин бўшлиғи аъзоларида ЛЭЭнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Пункция техникаси ва ҳавфсизлик чоралари асоратланган ЭКларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, операциянинг апаразитарлик мезонларига риоя қилиш, қорин бўшлиғининг инфицирланишини олдини олиш ҳамда ЭКси ичидаги суюқликнинг қорин бўшлиғига тушиб кетишини бартараф этишга йўналтирилган. Барча ҳолатларда кистанинг олдига электр сўрғич найчаси жойлаштирилади. Жарроҳлик амалиёти соҳасини пункциядан олдин 80% глицерин эритмаси ва 96% спирт билан шимдирилган марли салфетка билан ўралади. Пункция игнаси киста жойлашишига қараб, 5мм троакар ёки тери орқали киритилади. Жигар фиброз капсуласи орқали киста бўшлиғига тешувчи игна киритилгандан кейин алоҳида электр сўрғич билан эхинококк суюқлиги олиб ташланади.



Киста ичи босими камайтирилганидан сўнг игна киритилган соҳадан икки томонидан фиброз капсула эндоскопик қисқич билан ушланади ва кўтарилиб тортилади. Сўнгра игна орқали 80% глицерин эритмаси киста бўшлиғига юборилади ва экспозицияси 10 дақиқа мобайнида қайта ишланган глицерин электрсўрғич орқали тортиб олинади. Электржарроҳлик қайчи билан фиброз капсула очилади ва хитин қобикни олиб ташлаш ҳамда қолган таркибни чиқариш учун киста бўшлиғига вакуум сўрғич киритилади. Бу босқичда паразитнинг хитин қобиғи 11 мм троакар орқали экстракция вакууми ёрдамида олиб ташланади. Сўнгра ЭКси қолдиқ бўшлиғи қайта 80% глицерин эритмаси билан ишлов берилиб, электр сўрғич орқали олиб ташланади. Қолдиқ бўшлиқ кўшимча 96% этил спирти ва бетадин эритмаси билан қайта ишлов берилади. Қолдиқ бўшлиқда кутикуляр қобиғнинг тўлик олиб ташланиши ва ўт тешигини аниқлаш учун барча ҳолатларда бўшлиқ лапароскоп ёрдамида тафтиш қилинади. Жигар ЭЭсидан кейинги қолдиқ бўшлиқни бартараф этилиши жарроҳлик амалиётининг яқунловчи босқичи ҳисобланади. Фиброз капсула жигар тўқимаси чегараси бўйлаб циркуляр ҳолда кесилиб олинади. Қолдиқ бўшлиқ дренажлаш учун силикон найча қолдирилади. Майда ўт тешикларини аниқланганда коагуляция қилинади ёки тешиклар PDS №2,0-3,0 жарроҳлик иплари билан тикилади. Жигар эхинококкиннинг қорин бўшлиғига ёрилиб перитонит билан асоратланган беморларда ЛЭЭ 11 нафарида амалга оширилди. Барча ҳолатларда жарроҳлик амалиёти ДЛ билан бошланган. Лапароскоп қорин бўшлиғига

киритилгандан сўнг тафтиш қилинган, бунда жараённинг тарқалганлик даражаси ва кейинги интраоперацион тактика аниқланган. ДЛ босқичида қорин бўшлиғида хиралашган ёки йиринглаган эхинококк суяқлиги ва хитин қобик парчалари аниқланган (1-2-расмларга қаранг).



1-2 расм. Жигар кистасининг перфорациясида қорин бўшлиғида эркин суяқлик (йиринг) визуализацияси


Қўшимча троакар киритилганидан кейин қорин бўшлиғи тафтиш қилинади, жараённинг сабаблари ва тарқалганлик даражаси аниқланади. Йиринг тўпланиши, хитин қобик фрагментлари электрсўргич билан эвакуация қилинади, қорин бўшлиғи антисептик эритмаларда (азонли сув, декосан) «тоза сув» бўлгунча санация қилинади. Сўнгра ёрилган киста топографик жойлашишига қараб қулай равишда қўшимча ишчи троакарлар қорин олд девори орқали киритилади. Асбоблар ёрдамида пальпация қилинганда ЭКлари жигар тўқимасига нисбатан юқори зичликка эгаллиги, кистани тарқалишини кўрсатувчи билвосита белгилари сифатида Глиссон капсуласи билан диафрагма ўртасида, шунингдек, киста фиброз қобиғи билан катта чарви ўртасида кўп сонли чандиқларнинг мавжудлиги ҳисобланади (3-4-расмларга қаранг).



3-4-расмлар. Глиссон капсуласи ва диафрагма ўртасидаги, шунингдек, эхинококк кистасининг фиброз қобиғи ва катта чарви ўртасидаги кўп сонли чандиқлар

ЭК ва қорин олд девори орасидаги чандиқлар монополяр электрокоагуляция ёрдамида кесилиб очилади, натижада операция майдонининг кўрув майдон бурчаги оширилиб, ЭКга кенгроқ кириш имконияти яратилади. Бу эса ЛЭЭ амалиётини ўтказиш учун етарли шароит

яратади. ЭК фиброз қавати биполяр коагуляция қилиниб кенг кесилиб очилади, қолган суюқлик ва хитин қобиғи қолдиқлари вакуум-экстракция усули билан олинади (5-6-расмларга қаранг).



5-6-расмлар. Киста фиброз қобиғининг кесилиши, аспирация ва кистанинг ички юзасини антипаразитар ишловдан ўтказиш.

Шундан сўнг, ЭК қолдиқ бўшлиғи ички юзаси 80 % глицерин эритмаси, 3% водород пероксид эритмаси ва 96% этил спирти билан ишлов берилиб, сўнгга силикон найча билан дренажланади (7-8-расмларга қаранг).



7-8-расмлар. Кистанинг қолдиқ бўшлиғини антипаразитар ишловдан ўтказиш ва дренажлаш.

